

# **Ҳадис илми билимдонлари Термизда беллашди**



13:55 / 30.11.2024 483

Термиз шаҳридаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида «Ҳадислар билимдони» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2024 йил 15 августдаги «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган танловда юртимиздаги ўнта ўрта махсус ислом таълим муассасасининг илму толиб ва толибалари ўз билимларини синовдан ўтказди.

Кўрик-танлов Қуръони карим тиловати билан бошланди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов, Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси директори Камол Исломов, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Сурхондарё вилояти бош имом хатиби Алиакбар Сайфутдиновлар мамлакатимизда муқаддас ислом дини илмлари ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва уларнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиб, халқимиз ҳамда жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор

қаратилаётганини таъкидлади. Жорий йилда мамлакатимизда буюк аллома Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланаётгани ва шу муносабат билан Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзуига бағишилаб ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференциянинг аҳамияти тўғрисида фикр юритди. Кўрик-танлов қатнашчиларига омад тилади.

Очиқ, ошкора ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар тўртта шарт бўйича беллашиб, дастлаб буюк муҳаддисларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги саволга жавоб берди. Кейинги шартлар ҳадис китоблари ва ҳадис истилоҳларига оид саволларнинг жавобини айтиш билан давом этди. Имом Термизийнинг «Сунани Термизий» асаридан келтирилган ҳадисларни ёддан айтишди.

Ўз даврида муқаддас ислом дини ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг ҳаёти, ижоди ва илмий фаолияти, дунё халқларининг бебаҳо мулкига айланган нодир асарларининг мазмун-моҳияти, қадр-қиммати ўз ифодасини топган танлов иштирокчилари билимини нуфузли ҳакамлар ҳайъати холисона баҳолаб борди.

Танлов якунида «Жўйбори Калон» аёл-қизлар ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси талабаси Мунира Исломова фахрли биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи Имом Термизий ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси толиби Хабиб Ярашевга, учинчи ўрин “Муҳаммад ал-Беруний” ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси толиби Муҳаммадсадик Тоиржоновга насиб этди.

Ғолиблар диплом ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда «Вақф» хайрия жамоат фондининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Холмўмин Маматрайимов, ЎзА мухбири**